



ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

С.Усмонов

ЖДПУ, таълимда рақамли технологиялар кафедраси доценти

А.Қурбонов

*ЖДПУ, Таълимда ахборот технологиялари мутахассислиги
магистранти*

Аннотация: Ушбу мақолада масофавий таълим тизимини ва моделини ўқув жараёнига самарали қўллаш усуллари, масофавий таълим олишнинг янги кўриниши шунингдек масофавий таълим-таълим тизимини моделиштиришнинг энг муҳим тизими эканлиги масофавий таълим тизими ишдан ажралмаган ҳолда таълим квалификациясини ошириш имкониятлари бериши кўрсатилган. Шунингдек масофадан ўқитишда интернетдан ўқувчига қулай бўлган вақтда ўқиш, дарслик, аудио ва видео дарслик, online дарслар, электрон кутубхоналар, тестлар ва мультимедия электрон дарсликлар услубий материаллар сифатида ўқув жараёнида қўлланилиши йўллари берилган. Мақолада жаҳон олий ўқув юртлари тажрибаларида қўлланилаётган масофадан ўқитишнинг моделлари ҳам ёритилган.

Калит сузлар: масофавий таълим, ахборот технологиялари, таълим тизими, моделиштириш, интернет, online, мультимедия, электрон дарслик, тест.

Замонавий техник воситалар ёрдамида таълим олиш дунёвий билимларини ўзлаштиришнинг энг оммавий ва қулай усулларида хисобланади. Хозирги кунда узлуксиз таълим олишни таъминлаш учун ахборот технологиялари жуда катта имкониятларни яратиб бермоқда. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот захираларини фаол ахборот захираларига айлантириш имконияти мавжуд. Ахборот тизимлари ҳамда



коммуникацион воситалар ёрдамида фаол ахборот захираларидан оммавий фойдаланиш мумкин.

Масофадан ўқитиш бу Internet тармоғи орқали ўқувчига қулай бўлган вақтда ўқишдир. Масофадан ўқитиш таркибий белгилари: ўқитувчи, ўқувчи, коммуникациясидир. Унда ўқитиш услубий материалларига қуйидагилар киради, яъни

- Дарслик;
- Аудио ва видео дарслик;
- Online дарслар;
- Электрон кутубхоналар;
- Тестлар;
- Мультимедия электрон дарсликлар.

Халқаро таълим тизимида масофавий таълим тизимларини ўқув жараёнига жорий қилишга катта аҳамият берилмоқда. Масофавий таълим замонавий таълим олишнинг янги кўринишидир. Бошқача айтадиган бўлсак, масофавий таълим-таълим тизимини моделлаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. У замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишдан ва яшаш жойидан узилмаган ҳолда таълим олишга ва квалификациясини оширишга имкон беради, яъни

- ✓ Иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда ўзининг квалификациясини ошириш;
- ✓ Тажрибали ўқитувчилар назорати остида индивидуал, темпда таълим олиш;
- ✓ Дунёвий фанларни қулай ўзлаштириш;
- ✓ Чекланмаган тарзда ахборот тизимидан фойдаланиш;
- ✓ Билимининг сифатини мустақил назорат қилиш;
- ✓ Янги билимларни ўзлаштириш;
- ✓ Масофавий таълимни аудиоли ёки видеולי ташкил қилиш ва тил ўрганиш.



Бизга маълумки республикамиздаги деярли барча таълим муассасалари (чет эл институтлари филиалларидан ташқари) буюджет ташкилотлари эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқув жараёнига масофавий таълим тизимларини жорий этиш натижасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган имкониятларни вужудга келтиради.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳукмронлик қилаётган COVID-19 шароитида Жиззах Давлат Педагогика Инститuti профессор ўқитувчилари бор билим, малакаларини талабаларни тўлақонли билим олиши учун масофадан ўқитишга бағишлаган. Бунда, улар вақтдан унумли фойдаланиб, ортиқча сарф харажатларни камайтиришга эришдилар. Масофавий ўқитишда ўқитувчининг меҳнат унумдорлиги ошиб ортиқча қоғозбозликка барҳам берилди. Энг асосий жихатларидан бири талабаларнинг билимини адолатли баҳолашга эришилди.

Масофавий таълим кенг ахборот захирасига таянади, бу эса талабаларни мустақил таълим олиш имкониятини оширади. Таълим тизимини масофавий таълим тизимларига асосланган ҳолда ташкил этиш режали, комплексли ва ахборот захираларини қамраб олувчи жараёндир. Ушбу жараёнда барча ўқитувчилар, талабалар ва институт маъмурияти иштирок этади.

Интернет ёрдамида мулоқот ва маълумотлар олиш виртуал кутубхоналардан фойдаланиш имконини яратади. Бу эса талаба учун махсус ўқиш доирасини беради. Ўқувчи фанни ўзлаштириш тезлиги ва сифати кескин ошди. Масофавий таълим тизимлари ўқув муассасасидаги ўқув жараёнини бошқаришга, ягона ахборотли тизимини яратишга, ўқув жараёнида Internet ва ахборот технологияларидан фаол фойдаланишга, электрон дарсликларини ишлаб чиқишга, интеграллаган дарсларни ташкил этишга имкон беради.

Масофавий таълим тизимларини ўқув тизимига жорий қилишдан олдин, компьютер ва мультимедия воситаларининг имкониятларини барчага кенг тушунтириш лозим. Чунки ҳар бир инсон компьютер ва коммуникацион воситаларнинг имкониятларидан фойдаланмаса ўзига керакли билим ва



кўникмаларни ололмайди. Компьютер эса ўз навбатида фойдаланувчиларнинг барча талабларига жавоб бериш талаб қилинмоқда. Бугунга келиб ишлаб чиқарилаётган замонавий компьютерлар фойдаланувчидан юқори даражали компьютер саводхонлигини талаб қилмайди ва унда катта хотира мавжуд бўлиб дастурий таъминоти автоматлаштирилган. Бу эса ўз навбатида компьютернинг кўпроқ вазифаларни бажаришига имкон беради ва юқори ишончилиликка эгадир.

Ҳозирги кунда Республикамиз Олий Ўқув юртларида ва умумий ўрта таълим мактабларида масофадан ўқитишни тадбиқ этиш кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бунда жаҳон олий ўқув юртларида қўлланилаётган масофадан ўқитишнинг шакл ва моделларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тажрибалардан кўринадикки чет элда масофадан ўқитиш системаси шаклланган бўлиб улар қуйидаги шартлардан иборатдир:

- а) Географик шартлар (масалан, территориал ўлчами, узоқ регионлар оралиғи, климат ва ҳакозо);
 - б) Республикадаги ахборотлашув ва компьютерлашув жараёнларининг умумий даражаси;
 - с) Коммуникация ва транспорт воситаларини ривожланиш даражаси;
 - д) Ахборотлашув ва коммуникацион технологияларини қўллаш даражаси (олий ўқув юртларида);
 - е) Ўқув юртидаги мавжуд анъаналар ва педагогик кадрлар даражаси.
- Юнеско институти томонидан ўрганиб чиқилган масофадан ўқитишнинг турли моддалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагича :

Бирлик модели. Ушбу модел ташкил этувчи структурасига кўра масофадан ўқитиш асосида кўрилади ва масофадан талабалар билан ишлаганда аста секин шаклланиб боради. Ўқитиш жараёни масофа орқали бажарилади, шунга қарамай талабалар уларга бириктирилган ўқитувчиларни хар доим ёрдамларини сезадилар. Шу принцип асосида очиқ университетлар системасида ўқув жараёни ташкил қилинмоқда.



Иккилик модел. Масофадан ўқитиш дастурлари орқали олий ўқув юртларида кундузги бўлим талабалари қаторида сиртки бўлим талабалари ҳам тахсил оладилар. Уларнинг ўқув дастурлари, ҳатто имтихонлари ҳам бир хил, ҳамда бир хил критериялар асосида баҳоланадилар. Кундузги курслар сони масофадан ўқитиш курслар сонидан кўплиги учун кундузги талабалар ўз ихтиёрларида ўқув материалларининг кўп миқдори бўлганлиги сабаб улар ҳар тамонлама кўпроқ билим олиш имкониятиларига эгадирлар. Бундай ўқув юртларида масофадан ўқитиш курсларининг натижалари яхши эмас.

Аралаш модели. Ушбу модел институт талабаларининг масофадан туриб ўқитиш жараёнининг бир неча шакллари кўрсатади, аниқроғи, турли шаклларнинг интеграциясини ўз ичига олади. Масалан, бу модел билан турли ўқув дастурлари ва курслари ташкил қилинган. Шунингдек, институтнинг кундузги бўлим талабалари ҳам ана шу дастурлар асосида билим оладилар.

Консорциум. Бу модел икки ўқув юрти виртуал бирлашуви натижасида вужудга келади. Ўқув юртлари ўзаро ўқув материаллари билан алмашиб турадилар ва бир неча функцияларни ўзаро тақсимлайдилар. Масалан, биринчи ўқув юрти масофадан туриб ўқитиш учун ўқув материалларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади, иккинчиси-виртуал ўқув гуруҳларини ўқитувчилар билан таъминлайди ёки расмий равишда масофадан туриб ўқитиш жараёнининг аккредитациясини ўтказди. Ушбу моделда ўқув юртлари билан бир қаторда уларнинг марказлари, факультетлари ёки таълим соҳасида фаолият юритаётган корхоналар иш олиб бориши мумкин.

Франчайзинг. Франчайзинг принципи асосида бўлган масофадан туриб ўқитиш жараёнида шерикли ўқув юртлар ўзаро масофадан туриб ўқитиш курслари билан ўртоқлашадилар. Ушбу масофадан туриб ўқитиш жараёнининг моделида масофадан туриб ўқитиш ресурслари бўйича ривожланган ўқув юртлари энди шу соҳада иш бошлаётган ўқув юртларига ресурслар билан фойдаланиш ҳуқуқини берадилар. Энг қизиқ томони шундаки, талабалар ўзлари ўқиётган ўқув юртларида, бошқа ривожланиб



кетган ўқув юртларидаги каби уша ҳажм ва ўша сифат даражасида билим оладилар, дипломлар билан ҳам ушбу ҳолат қайтарилади.

Валидация. Жуда ҳам кенг тарқалган масофадан туриб ўқитишнинг моделидир. Бу моделда ўқув юртлари битта битимга келадилар. Мана шу битим асосида барча шериклар бир хил даражада масофадан туриб ўқитишда ўз имкониятларини ишлатадилар. Биринчиси, масалан, диплом валидациясини ўтказди, иккинчиси, диплом ва сертификатларни расмий равишда тан олишини таъминлайди ва ҳақозо. Мана шу модел асосида марказий ўқув юрти билан регионлардаги ўқув юртлари орасида битта битимга келишилади.

Узоклашган аудиториялар. Бу моделда кенг кўламда ахборот ва коммуникацион технологияларининг воситалари қўлланилади. Ўқув юрти ўтказилаётган ўқув курслари, семинар ёки маърузалар синхрон шаклда телекоммуникацион каналлари орқали видеоконференция, телекурсатувлар, радио трансляция кўринишларида изоҳлашган ўқув аудиторияларига узатилади, бу ҳолатда битта ўқувчи жуда ҳам катта талабалар аудиториясига дарс беради.

Мамлакат миқёсида тузилаётган проектлар асосида бўлган масофадан туриб ўқитиш жараёнининг бир модели. Бу моделда асосий ўринни илмий тадқиқот марказга берилган. Бу марказларда масофадан туриб ўқитиш жараёнининг ўқув материалларини ишлаб чиқадиган малакали кадрлар, ўқитувчилар, олимлар йиғилишади. Марказда ишлаб чиқилган материалларнинг ўша ёки бошқа мамлакат аудиториясига узатилади. Ўқув жараёни вақтинча бўлиб, у проект жараёни тугагандан сўнг тугайди.

Юқорида кўриб ўтилган жахон тажрибаларидан келиб, масофадан ўқитиш тизимининг ягона концепциясини ишлаб чиқиш ва уни республикамизда жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Масофавий таълим тизимларини уқитишга самарали жорий қилишда информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги барча мутахассисларга улкан маъсулият юклайди. Улардан улкан малака, илмий салоҳият, билим, куникма ва меҳнат талаб қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Akhmedov B. A., Majidov J. M. Practical ways to learn and use the educational cluster // Экономика и социум. – 2021. – №. 2-2. – С. 472-476.
2. Akhmedov, B. A., Majidov, J. M., Narimbetova, Z. A., & Kuralov, Y. A. (2020). Active interactive and distance forms of the cluster method of learning in development of higher education. *Экономика и социум*, 12(79), 805-808.
3. Majidov J. M., Akhmedov B. A. Use of multimedia technologies as a means of increasing students motivation to learn a foreign language // Экономика и социум. – 2021. – Т. 3. – С. 82.